

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

2003-YIL ■ 15-FEVRAL ■ SHANBA ■ 19 (27.039) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## Миллат ғурури, Ватан ифтихорлари

Ёшларимизнинг илм-фан равнақи йўлида эришган улкан зафарлари бутун жаҳонни хайратлантиришга қодир. Фан ва технологиялар марказининг қарори билан иқтидорли магистрантлардан ўн нафари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-2003 ўқув йилида биринчи Давлат стипендианти деб эълон қилинган эди. Улар орасида Тошкент давлат аграр университети II босқун магистрлари Алишер Шоумаров ва Руслан Гилимшинлар ҳам бор. Алишер 2002 йилда АҚШ Давлат департаменти томонидан қўллаб-қувватланган «Сочгал» грантини ютиб, океан ортига сафар қилди. У кўпгина халқаро лойиҳалар иштирокчиси. 1998 йилда пойтахтимиздаги Ҳамза тумани И.Акмалов номи маҳалла жамоаси билан ҳамкорликда АҚШнинг «USAID» кичик грантига сазовор бўлган ҳамда маҳаллада республикада биринчилардан бўлиб компьютерлаштирилган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш марказини ташкил этишда фаол



иштирок этди. Унинг республикада олиёйиб юртыда ма-софавий ўқитиш тизимини жорий этиш борасидаги тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Руслан дончилик ихтисоси

бўйича изланишлар олиб бормоқда. У соянинг иссиқ иқлим шароити ҳамда шўр ерларда ўстириш мумкин бўлган янги навишни кашф этиш йўлида илмий-тадқиқот ишлари олиб бор-

моқда. Бўлғуси олим ўз кузатишларида биотехнология услуларида кенг фойдаланмоқда.

Унинг ритта мақоласи ва икита маъруза тезиси илмий тўпламларда чоп этилган.

Суратда: Алишер Шоумаров (чапдан) ҳамда Руслан Гилимшинлар. Шаваккат АКРАМОВ олган сурат

## Самимий қутловлар

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBII OLIYLARIGA**  
Жаноби Олийлари!  
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу!  
Кувейт давлати, халқи ва раҳбарияти номидан Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сизга, биродар Ўзбекистон халқига ва ҳукуматингизга самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.  
Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан шахсан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик тилайман.  
Дўстона муносабатларимизни эътироф этган ҳолда, Сизни бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ниятида эканимизга ишонтирмаман.  
Энг эзгу тилак ва Сизга бўлган буюк ҳурматимни қабул қилгайсиз.  
**Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ, Кувейт Давлати амири**

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBII OLIYLARIGA**  
Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан, БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, муваффақият ва энг эзгу тилақларимни йўллашга ихозат бергайсиз.  
Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингиз халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман.  
Айёмингиз муборак бўлсин!  
**Жак ДИУФ, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори**

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBII OLIYLARIGA**  
Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин!  
Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилақларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.  
Қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик, ислом умматига эса хайр-барокат ато этишини сўрайман.  
Айёмингиз муборак бўлсин!  
**Муҳаммад бин Халифа Ол МАКТУМ, Дубай Амирлиги Ер ва кўчмас мулк вазири**

**«Ташаббус-2003» бошланди**  
Юқоричирик туманида бўлиб ўтган танловда кичик корхоналар, фермерлар ва бадий ҳунармандлик соҳаларида халқимизнинг ўзига хос аъёнларини давом эттираётган кўли гул усталар тайёрлаган маҳсулотлар намойиш этилди.  
Кўрик-танловда ўттиздан ортиқ тадбиркорлик тузилмаси, кичик ва ўрта корхона, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ҳунармандлар ўзаро беллашди.  
Тадбиркорлик йўналишида «Саладо» хусусий корхонаси, фермерлик йўналишида «Қоратухум» фермер хўжалиги, ҳунармандлик йўналишида эса «Бекашов-Д» хусусий корхонаси биринчи ўринни кўлга киритди.  
**ЎЗА**

**Дехлида «Халқаро терроризм ва диний экстремизм. Марказий ва Жанубий Осиёга таҳдидлар» мавзусидаги халқаро семинар бўлиб ўтди.** У Калкуттадаги Мавлоно Абул Қалам Озод номи Осиё тадқиқотлари институти томонидан Хиндистон Ташқи ишлар ва Маданият вазириликлари кўмагида ташкил этилди.  
Ушбу семинарда Хиндистон, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозғоистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган етакчи сиёсатшунослар, олимлар ҳамда хавфсизлик масалалари бўйича мутахассислар иштирок этди.  
Семинарда турли мамлакатлардан таширф буюрган олим ва мутахассисларнинг «Марказий ва Жанубий Осиёда терроризм ва диний экстремизм хавфи», «Кашмирда ди-

**«Ўзбекистон ҳақ эканини даврнинг ўзи исботлади»**  
ний экстремизм ва терроризм», «Халқаро терроризмга қарши уруш ва Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш йўлидаги ташаббуслар» сингари долзарб мавзуларда қатор маърузалар тингланди. Тадбир иштирокчилари бу борада Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида ва муҳим эканини таъкидладилар.  
— Халқаро терроризм ва диний экстремизм инсониятнинг бугунги энг долзарб муаммоси экани ҳаммага маълум, — деди Мавлоно Абул Қалам Озод номи Осиё тадқиқотлари институти ижроия кенгашининг раиси профессор Дивендра Каушик. — Мамлакатингиз Президенти Ислом Каримовнинг дунё ҳам-жамиятини халқаро терроризм балосидан огоҳлантириб келгани, узоқни кўра билувчи йўлбошчингиз раҳнамоллигида Ўзбекистоннинг бу балога қарши жиддий кураш олиб бориш йўлидаги ташаббус ва сай-харакатларидан биз яхши хабардоримиз. Ўзбекистоннинг ўз пайтида «Дунё миқёсида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга лозим даражада эътибор берилмаяпти», дея бонг урганида нақадар ҳақ бўлганини замоннинг ўзи тасдиқлади.  
**Ш. УМИРОВ, «Жаҳон» АА, Дехли.**

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2003 йил 13 февраль

## ГФР элчиси Андижонда

Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси доктор М. Хеккер жаноблари Андижонга таширф буюрди. Меҳмонларни Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Луқмонов қабул қилди. Дўстона ҳамкорлик борасида мулоқот бўлди.  
Элчи жаноблари Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганини айтиб ўтди. Тиббиёт соҳасида бегараз ёрдам кўрсатилаётгани ҳам бунинг мисолидир. Айниқса, сил касаллигини янги усул (ДОТС) асосида даволашдаги кўмак кўлами кенгаймоқда.  
Аёллар саломатлигини яхшилаш бўйича ҳам биргаликда маълум ишлар қилинмоқда. Жаноб М.Хеккер ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров тугруқ ёшидаги аёллар репродуктив саломатлигини яхшилашда биргаликда ҳамкорлик лойиҳасини имзоладилар. Бу лойиҳа учун ГФР томонидан ажратилган маблағ 5 миллион еврони ташкил қилади. Лойиҳа Фарғона vodiysi ва бошқа қатор вилоятлар аҳолисини ОИТСдан сақлаш ва касалликнинг олдини олишда хизмат қилади.  
«Дори-дармон» акциядорлик жамиятида меҳмонлар иштирокида ГФР томонидан ажратилган дори-дармонлар, диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари тақдими бўлди. Элчи жаноблари ва унинг ҳамроҳлари Андижон давлат тиллар педагогика институтида ҳам бўлдилар.  
**Аҳмадилло СОЛИБ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## МАТБУОТ ВА ҲАЁТ

### Бугуннинг қувончлари, ташвишлари, вазифалари...

7-8 ФЕВРАЛДА НАМАНГАНДА «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Баҳор нафаси**  
Тириклик томирларига қон югура бошлади. Уйғониш, яшариш фасли оstonасида турган юртимиз кенгликлари узра баҳор нафаси кезиб юрибди. Бободехқон яхши ният, эзгу мақсад ила даласига экилладиган ниҳолларни саралай бошлади. Дарахт новдаларида куртаклар пайдо бўлди. Аллаҳаерларда эрка бодом гуллади. Мана шундай дамларда инсон қалбига эзгулик ниҳолларини қадаш ҳам хайрли амал. Соғинчлар учрашади. Меҳрлар бирлашади. Холис фикр, мулоҳазалар айтилади. Умид уйғонади. Кўнги-кўнгида сув инади. Юракда муҳаббат тугилади. Ғўзал мажлислар аро ҳақиқат намоен бўлади. Юзма-юз келганда фақат самимият сузлайди. Дўстона мулоқотларда келажак орзулари, режалари тугилади. Кўзгу қаршида тургандек азиз одамлар олдига, эртанги мудоао, мақсад-вази-



фаларингни белгилаб оласан. Улар сурат ва сийратни англаш учун баҳс, мунозара қиладилар. «Ўзбекистон овози» газетаси иждоқларининг наманганликлар билан учрашувлари юртимизда қор кўйинида баҳор уйғонаётган лаҳзаларда бўлиб ўтди. Бу юрт ҳақида уйлаганимиз-  
да Юртбошимизнинг мана бу сузлари ёдимизга келади. «Наманган деганда мен захматкаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдига келтирмаман». Ҳа, бунёдкор, бе-

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 520 ЙИЛЛИГИГА

### БОБУР СУРАТИ

*Бобур суратиға ҳеч боққанмисиз, Боши эгик, кўзлари муғли. Кипригида қотган қатра ёш, Ғамга ботган, синиқдир кўнгли. Шойр ва шох, сизга не бўлди? Қийин кунларда ҳам эгилмаган бош Бир қалам кучини енгга олмаса, Қоғозга тўкса-я, қатра-қатра ёш. — Ёш эмас бу — ғазал, бу — ором, илҳом, Ёш эмас бу — армон, дилдаги нидо. Ниятим ушалди тож кийдим бошга, Она-Ватанимга бу жоним фидо. Кўзларим кўрмади не-не юртларни, Ҳинд сори юздандим, хатолик бўлди. Юлдузлар кўчганда юрт осмонидан, Армони юрагим бағримни тилди. «Бобурнома» бўлиб битилди умрим, Назмларда қолди дил нолаларим: Армон вужудимни куйдираёттир, Ватан қадрин билинг, эй болаларим. Буюклик ватандир, суяклик ватан, Она-ер ватандир, ватандир осмон. Андижон, жон, томиримда қон, Ватан муҳаббати ҳақиқий иймон.*  
**Санобар МАҲМУДОВА, Андижон вилояти, Шахрихон туманидаги 46-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.**





